



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

PEDIATR

№ 17-18 (893-894)
15-Noyabr, Juma
2019-yil

TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI
ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО
ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА

Gazeta 1974-yil
mardan chiqsa
boshlagan

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Б.Т.Даминов
ТошПТИ ректори,
Халиқ депутатлари
Тошкент шаҳар кенгаши
депутати

Ўзбек тили – қадим тарихга эга, у Марказий Осиёда катта бир даврни камраб олган, бугунги кунда бу тил – эллик миллион, балки кўпроқ одамларнинг она тилидир. Адабий тил асрлар давомида сайқалланган, фонетик, грамматик жиҳатдан меъёрлаштирилган, шу миллат вакилларининг барчасига тушунарли бўлган тилдир. Кўшни давлатлардаги ўзбеклар асосан ўз шева ва лаҳжаларида сўзлашадилар. Адабий тилнинг улардаги ривожи эса кўп жиҳатдан бизга боғлиқ. Шу боисдан адабий тилимиз давлат мақомида ҳамда қонун химоясида ва бу тилни асраб-авайлаш, тоза саклаш, чет тиллар таъсирини бир меъёрга келтириш зарурияти бизнинг, кўпроқ ёшларнинг зиммасида.

Тил – шунчаки гапириш ёки ёзиш эмас, тил – одамнинг зийнати, дил ойнаси, маданияти. Одам олган жами таълим-тарбияларнинг ҳосиласи. Атайлаб шевада ёзиш, кинофильмда актёрларнинг шевада сўзлашишлари ёки телевидение орқали турли маҳаллий ватанпарварликни кўрсатиш, бу билан маънавий чекланганимизни, маънан қашшоқлигимизни кўз-кўз қилган бўламиз. Адабий тилни бузиб қўллаганлик учун қонунчиликда алоҳида жавобгарлик белгиланмаган, аммо ҳар бир миллат вакили ўз она тилининг соғлиги учун жавобгардир.

Халқнинг Ватани, давлати каби яна бир буюқ, эҳтимолки, бирламчи бойлиги бор. Бу – унинг тили. Айнан тил одамлар гурухини бир

миллат сифатида бириктиради, яъни ҳалқни – ҳалқ, миллатни – миллат қиласи. 1989 йил 21 октябрь – «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва химоясига эга бўлди. Она тилимиз миллий ўзлигимизdir. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Давлат тилининг мақоми хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг ўз Байроби, Герби, Мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан химоя қилинадиган муқаддас давлат рамзига айланди. Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ҳалқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётir. Тошкент шаҳридаги муҳташам Халқаро конгресс марказида 21 октябрь куни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишлиланган тантанали маросим бўлиб ўтгани ҳам она тилимизга бўлган юксак эътирофни ифодалайди.

«Ўзбек тили ҳалқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, – бебаҳо маънавий бойлик, буюқ қадриятdir», деди – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлабланганларидек, миллий ўзлигимиз хисобланган она тилимиз, тарқоқ қавмларнинг бошини бир бутун миллат қилган, маънавий тийнантилизни яратиб берган, ўзбек тилининг обрўси давлатимизнинг химоясидадир. Шу хусусида сўз борар экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари бунинг яққол далилидир.

«Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чукур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги погонага кўтарди», – дея фармонда қайд этилиши замирида ҳам она тилимизни миллий тил сифатида қўтариш ғояси ётади. Чунки тил тараққиётида филологларнинг аҳамияти катта.

Жаҳон тажрибаси ва миллий руҳдаги ўзбек тилини ривожлантириш борасида – «Ўзбек тили тараққиёти ва ҳалқаро ҳамкорлик масалалари» мавзусида ҳалқаро илмий-амалий конференция ҳамда «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусида республика конференцияси ўтказилиши белгиланди. Мамлакатимизнинг хориждаги элчиноналари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишлиланган байрам тадбирларини ўтказиш ва «Ўзбек тилининг дўстлари» клубларини ташкил қилиш – она тилимизга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

«Тил – миллат кўзгуси», деган минг йиллик ҳикматда ҳалқимизнинг она тилига бўлган эҳтироми мужассам. Сўз мулкининг султони Ҳазрати Алишер Навоий беш аср муқаддам бир байти билан тилнинг моҳиятини ёритган эди: «Инсонни сўз айлади жудо хайвондин, Билки гуҳари шарифрок йўқдир андин». Зоро, сўз – тилнинг бир бўлагидир.

ҲАР БИР ОВОЗ – ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ



Яқинлашиб келаётган сайлов ҳар биримизда Ватан равнақига дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Ҳар битта берилган овоз ҳал қилувчи кучга эга. Зеро, ҳар бир фуқаро – келажакка бирдек масъулдир.

Сайлов – нима ва унинг вазифалари нимадан иборат?

Сайлов – бу фуқароларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиш йўли билан сайлаш ва сайланниш хукукини амалга ошириш шаклидир.

Сайлов – бу фуқароларнинг жамият ва давлат ишларида бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуки.

Демократик сайловларнинг асосий принциплари – умумий, teng, тўғридан тўғри, яширин овоз бериш.

Сайловлар ягона Сайлов кодекси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакилллик органларига сайлаш ва сайланниш хукукига эгадирлар.

Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш хукуки, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Фуқаролар хужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, ҳалқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси кўйилган эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабря Олий Мажлисга тақдим этган Мурожатномасида, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида мухим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларидан иборат бўлса-да, афсуски, ҳанузгача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаганлигини таъкидлаб, ҳалқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланганди.

КИМЛАР САЙЛАНИШ ХУҚУҚИГА ЭГА?

– Қонунчилик палатасига сайланниш хукукига сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камидан беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган фуқаролар;

– Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камидан беш йил Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшаётган фуқаролар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайланниш хукукига эга.

КИМЛАР САЙЛАНИШИ МУМКИН ЭМАС?

– Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд хукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланаётган шахслар;

– Содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;

– Сайлов кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси худудида муқим яшамаган фуқаролар.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларининг ходимлари ва диний ташкилотлар ҳамда бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари; Судьялар, прокуратура органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (бундан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мустасно) депутат этиб сайланган тақдирда, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериш шарти билан маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Таълим муассасаларида сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлиги» ташкил қилингани. Жумладан, 12 ноябрь куни Олий таълим муассасамизда ҳам талабаларни сайлов тартиби билан танишириш ишлари олиб борилди. Тошкент Давлат Юридик университети ассистенти Ж. Махмудов хуқуқий омиллар асосида сайлов тартиби ва тарғиботи тўғрисида талабаларга маълумот бериб ўтди.

Бутун – дахлимиз бўлган лаҳзадир! Сайлов эса келажакка ташланган қадамнинг биттаси. Зеро, ҳар биримиз ўз овозимиз билан келажагимизга қадам ташлаймиз!

*M. Ахмедова
ТашПТИ Ёилар билан ишланиш бўйича
проректори*

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Соғлом она ва бола – келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворидир. Негаки, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом авлодгина эртанги куннинг эгаси бўла олади. Хусусан, жорий йилнинг 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорининг қабул килингани соҳага қаратилган юксак эътибордир.

Бундан ташқари, пойтахтимизда мамлакатимиз педиатрларининг VIII съезды ўз ишини бошлади. Унда Россия, АҚШ, Германия, Италия, Литва, Туркия, Болгария, Киргизистон, Тожикистон ва бошқа хорижий мамлакатлардан 60 дан ортиқ таникли олимлар, етакчи мутахассис ва шифокорлар иштирок этмоқда. Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов сўзга чиқиб, бугунги куннинг она ва бола соғлигини сақлаш борасидаги ютук ва камчиликлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, болаларга педиатрия соҳасида ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш учун юртимизда Республика Ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази билан бир қаторда Перинатал, Скрининг, Ахоли репродуктив саломатлик марказлари ва унинг қуий тизимлари ҳам ташкил этилди. Сўнгги уч йилда ушбу тизимда рўй берган ўзгаришлардан бири шуку, эндилиқда қишлоқ оиласиб поликлиникаларида умумий амалиёт шифокорлари қаторида педиатр, терапевт, гинеколог, стоматолог ва УТТ шифокори кабитор мутахассислар тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Хозирги кунда болаларда учрайдиган хирургик касалликлар, жумладан, кардиохирургия, оториноларингология, нейрохирургия ва бошқа соҳаларда тугма ва ортирилган касалликларда реконструктив-тиловчи ва эндovаскуляр операциялар муваффакиятли ўтказилмоқда. Ушбу йўналишда тиббиёт кадрлари



ни тайёрлаш ва мутахассисларнинг малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Охириги иккя ярим йил ичida 150 дан ортиқ мутахассис Россия, АҚШ, Германия, Италия, Япония, Австрия, Жанубий Корея, Хитой, Болгария, Словакия, Чехия, Туркия, Белорусь, Украина сингари хорижий мамлакатларнинг етакчи университет ва клиникаларида малака ошириб келишмоқда. Тиббиёт тизимида амалга оширилган бундай муҳим ислоҳотлар натижасида гўдаклар, неонатал ва болалар ўлими кескин камайиши кузатилди. Сўнгги уч йил ичida гўдаклар ўлими 11,4 промиллидан 9,9 промиллига камайди.

Съезд ишида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепциясига кўра худудлар микёсида муаммолар муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режасига ва худудларда болаларга кўрсатилётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ҳамда республикада педиатрия хизматини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари, истикболлари ва уларга эришиш йўлларини белгилашга, янги ишлаб чиқилган инновацион технологиялар ҳамда уларни амалиётга кенг татбик этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу Концепциянинг 2019-2021 йилларда амалга оширилиши доирасида соғлом бола туғилиши, болалар соғлигининг шаклланиши, орфан ва бошқа ирсий-генетик касаллиги бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича бугунги кунда жуда муҳим бўлган бир нечта меъёрий-хукукий хужжатлар, яъни «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги қонун ва «Кам учрайдиган (орfan) ва бошқа ирсий-генетик касалликлари га чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Куни кечча «Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-кувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озик-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги қонун сенаторлар томонидан маъкулланди.

Республикамида бўлиб ўтаётган она ва бола соғлигини сақлаш тўғрисидаги тадбир доирасида болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, хусусан, касалликлар профилактикаси, ташхислаш ва замонавий даволаш усусларини амалиётга кенг қўллаш бўйича ўзаро мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Зоро, бугунги кун ёшлари эртамиз эгаларидир.



X. Абидов
ТошПТИ Матбуот комиби

ЯША, ЎЗБЕК ЎГЛОНИ!

Асрлар оша яшаб келаётган: «Бир йигитга етмиш хунар оз» – нақли нафақат бугун, балки эртанги кунимиз учун ҳам дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Чунки хунар – билим орқасидан эгалланади, билим эса изланишларнинг тинимсиз меҳнатнинг мевасидир.

Барчамизни қувонтирган янгилик – «Заковат» интеллектуал ўйини Республика чемпионатида ТошПТИ талабалари «Талабалар кубоги»ни қўлга киритгани эди. Куни кеча Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Италияning Турин шахрида 1 хафталик ўқув семинарида иштирок этиб қайтишди. Жамоа сардори Абдуғани Иноятов билан суҳбатлашдик.

- Абдуғани ака, аввало ғалаба муборок бўлсин. Турин шахри ҳақидаги таассуротларингизни бизга ҳам илинсангиз.

- Раҳмат. Турин бир томони Алп тоғлари билан ўралган гўзал шаҳар, табиати ажойиб. Биз истиқомат қилган жойнинг ёнида дунёдаги бошқа дарёлардан қисқа номланиши билан ажralиб турадиган – По дарёси оқиб ўтарди. Ушбу манзарада шоир бўлиб қолгинг келади киши. Айниқса, Италия аҳолиси ниҳоятда хушмуомала экан, табассум билан саломлашиб ўтарди бизга(ҳаяжон билан). Яна бу шаҳар музейлари билан ҳам машҳур экан. Менда катта таассурот қолдирган музей – «Миср музейи» бўлди. Бу музей экспонатлари

кўплиги бўйича Миср давлатининг ўзидағи музейдан кейинги иккинчи ўринда турар экан. Таркиб йигитлардан иборат бўлгани сабабли табиики футбол четда қолмайди. Кристиано Роналдо тўп сурадиган Турин шахридаги «Ювентус» футбол клубини, уй стадионини ва музейини кўриш насиб қилди.

- Ўйин жараёнда жамоага қайси савол маъқул бўлди?

- Рус рассоми Иля Репиннинг «Волгадаги бурлаклар» сурати билан боғлиқ савол ажойиб бўлди: «Украинадаги ўсмирлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақасига ушбу сурат белги қилиб олинган. Диққат савол: ўсмирлар ўртасида қандай спорт тури бўйича мусобақа уюштирилган эди?». Сўнгги дақиқалардаги қароримиз, яъни 11 киши иштирок этадиган спорт – футбол жавоби бизнинг жамоамизга ғалаба келтирди(кулиб). Колган жамоалардаги деярли 20 та жавобда арқон тортиш жавоби бор эди. Барча ОАВларда ҳам жамоамизга ушбу савол ғалаба келтиргани ҳақида ёзилди.

- Ўйин давомида сизнинг соҳангизга оид саволлар ҳам берилдими?

- Аниқ тиббиётга доир саволлар бўлмади-ку, яқинроқ савол бўлди: Бобур заҳарланганлигини аниқлаш учун нефритдан ясалган идишда ичимлик ичгани, туриб қолган чой «захар»га айлангани ҳақидаги саволни мисол тариқасида келтириш мумкин.

- Барча муҳлисларингизни қизиқтирган савол, келажакда ҳам сизнинг жамоангиз ўз фолиятини юритадими?

- Келажакда Тошкент Педиатрия тиббиёт институти терма жамоаси бўлади, аммо бу таркиб хоҳласак ҳам сақлаб қолинмайди. Сабаби икки жамоадошимиз – Эргашев Фарҳод ва Ҳамроев Шахзод Тиббиёт академияси магистрлигига ўкишни давом эттирапти. «Талабалар кубоги»нинг талабига кўра битта жамоадошимиздан айрилишимиз мумкин (афсусланиб). Унга кўра Олий Лига телевидение ўйинларида иштирок этувчилар сони кўпи билан икки нафар бўлиши мумкин, ҳозирда жамоамизда бундай иштирокчилар сони уч нафар. Умид қиласиз ва ишонамиз жамоамизни бардавом қиладиган билимдонлар институтимиздан этишиб чиқади.

- Жамоадошларингизга тилакларингиз.

- Жамоадошларимиз, Эргашев Фарҳод Бахтиёрович, Низомов Охунжон Азим ўғли, Наимов Дадаҳон Султон ўғли, Ҳамроев Шахзод Фарҳодович, Собиров Ҳамидjon Гуломжон ўғли ва Зокиров Нодиржон Комилжон ўғли, барчангизга бирдамлик ва куч-куват тилайман. Биз бирлашиб катта кучмиз!

- Мазмунли суҳбат учун ташаккур! Бундан кейинги ўйинларингизда ҳам муваффакиятлар тилаб қоламиз. Яна бир бор ғалаба муборак бўлсин!

Роҳилабону ҒЎЧЧИЕВА

ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, КЕЛАЖАГИМСАН – ОНА ТИЛИМ

Хозирги кунда ўзбек тили Давлат тили сифатида сиёсий-хукукий, иктисадий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимиизда фаол кўлланилиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Бугун ватанимизда «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган устувор гояни илгари суриб, она тилимизга бўлган юксак эҳтиром сифатида она тилимиз давлат тили макомини олган-лигининг 30 йиллиги муносабати билан Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бошчиликларида «Ўзбек тилини Давлат тили сифатида кўта-риш чора-тадбиrlари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда белгиланганидек, она тилимизни халқаро минбарларга олиб чиқиш ҳар биримизнинг вазифамиз ҳисобланади.

Шу маънода жорий йилнинг 23 октябрь куни олий ўқув даргохимизнинг катта залида «Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан – она тилим» номли байрам тадбири ташкил қилинди. Она тилимизга бўлган хурмат тўғрисида сўз борар экан, энг аввало, қалам аҳли – шоир ва ёзувчи ижодкорларнинг бу борада кўрсатган хизматлари таҳсинга сазовордир. Тадбирни институтимизнинг Ўзбек, рус ва лотин тиллари кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоира, доцент Кавсар Турдиева ўзининг кўтаринки кайфият ва ёшларни келажакка чорловчи, умид баҳш этадиган шеъри билан очиб берди. Бунга ҳамоҳанг кайфият сифатида Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгра-



ди. Мана шу лаҳзаларда ҳар битта қалбда она тилимизга, она ватанга бўлган меҳр-муҳаббат жўш урган, ёшлар нигоҳида эса юксак шижаот мавж олган. Айниқса, шоира Кавсар опа Турдиева тилга бўлган хурмат тўғрисида сўз бошлар экан, яна бир бор келажакка дахлдорлик хисси ёшларимизга ўrnak бўлиб хизмат қилди.

Талаба ёшлар ўртасида ўз ижод машқлари билан қалами чархланиб келаётган институтимизнинг ижодкорлари тўғараги аъзолари ўзларининг шеърлари билан тадбирни давом эттирган бўлсалар, 402-гурух талабаси Фарҳодов Шоҳруҳ ва 101-ДИ гурух талабаси Жуманазаров Бобур ширали овозлари билан кўйлаган кўшиклари тадбирга кўтариинки кайфият улашди. Айниқса, 2-педиатрия 105-гурух талабаси Кўчкорова Зарнигор ўзининг гўзал ва нафис рақси билан барча тадбир қатнашчиларига манзур бўлди.

Она тилимизнинг бойишига ўз ижод намуналари билан хисса кўшиб, нафакат ўзбек, балки жаҳон адабиётида хам ўз ўrniga эга бўлган ижодкорларимиз, ҳаёт ва ижоди ўrnak бўла оладиган Но-дирабегим ва Увайсий сиймолари акс этган сахна кўриниши ушбу тадбиримизга аъло кайфият улашиб, мозийга бир лаҳза саёҳатга

олиб кирган бўлса, кеча сўнггида ташриф буюрган «Она» образи тадбир иштирокчилари учун яна бир бор ўзлигимизни намоён этиб, ҳар бир қалбга манзур бўлди.

Тадбирда иштирок этган илмий ишлар бўйича масъул, катта ўқитувчи Н. Мехмонова, ўқув ишларига масъул Р. Березовская ва катта ўқитувчилар М. Маҳкамов, З. Содикова, филология фанлари номзоди Г. Курамбаева, Г. Ахмедова, Ф. Акбарходжаева, Н. Шодмонова ва З. Расуловалар тала-баларнинг чиқишиларидан мамнун бўлишиди.

Юртбошимиз таъкидлаган эдилар: «Мухтасар айтганда, ҳар биримиз Давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни Она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим». Дарҳақиқат, она тилимиз шаъни бизга Ҳазрати Алишер Навоийдан мерос экан, уни миллий тил сифатида эъзозлаш ва ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зоро, миллат қадри унинг она тили билан белгиланади.

Мунира Ҳамракулова
Ўзбек, рус, лотин тиллари
кафедраси катта ўқитувчisi

ГИЁХВАНДЛИК – АСР БАЛОСИ!

Соғлом турмуш тарзини яратиш, аввало, ҳар бир ёшнинг мустаҳкам бўлган иродасидан бошланади.

БМТ Бош Ассамблеясининг бу борада олиб бораётган чора-тадбирлари ҳам ўз салмоғига эга. Ҳар битта давлат ва миллатнинг келажагини аср балоси аталмиш – гиёхвандликдан ҳоли ва ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодда бунга қарши иммунитет яратса олиш бугунги куннинг асосий мавзуси бўлиб келмоқда. Шу хусусида ҳар бир ўқув муассасида ёшлар билан давра сухбатлари олиб борилмоқда.

Куни кечак олий таълим муассасамизда бўлиб ўтган «Ёшлар орасида гиёхвандликка қарши кураш» мавзусидаги тадбирда Юнусобод тумани 8-сонли ИИОФМБ В/Е ва ЁУНХПГ катта инспектори майор К.Хусниддинов сўзга чиқиб, гиёхвандлик ва ичкилиқбозлик оқибатлари ҳақида маъруза қилди: «Гиёхвандлик – ҳозирги кунда халқаро ва бутун жаҳоннинг мураккаб муаммосидир. Унинг олдини олиш (профилактикаси) ва даволаш масалалари ҳар қандай жамиятнинг энг асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Чунки у барча мамлакатларда жиноий ишларнинг кўпайишига олиб келмоқда». Дарҳақиқат, ҳозирги глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» ниқоби остида миллий қадриятларимизга зид ғайри ахлоқий қарашларни юртимизга олиб киришга, тинч ва осойишта турмушимизга раҳна солишга уринишлар бўлаётгани сир эмаслиги, бундай мафкуравий хуружларга қарши кура-

шишда ижтимоий-маънавий муҳит соғломлиги, ахолининг хуқуқий саводхонлиги ишончли тўсик бўлади.

Глобаллашув жараёнида турли ғаразли кучлар ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг ғаразли ахборотлари билан ахолининг турли қатламларига таъсир ўтказишга уринаётир. Шу боис оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиш учун ҳар бир одам ўз мустаҳкам фикри ва дунёқарашига эга, миллий истиқтолғоясига, элу юртимизга, миллий қадриятларимизга содик, мустаҳкам эътиқодли бўлиши зарур.

Тадбир сўнгидаги талабаларнинг мулоҳазалари ҳам ёшларимизнинг иродасини мустаҳкамлашга ва эркин фикрга эга бўлишга ундовчи фоя бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунда хотин-қизларни диний экстремистик оқим ва миссионерлик фаолияти таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ёшларни турли ёт фоялар, мафкуравий хуружлардан асрар, улар ўтрасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш лозим.

Ёшлар ўз яшаш тарзини ўзи яратишга, соғлом турмуш тарзини эса янада тинч ва осойишта ўтказишга қодир. Шундай экан, азиз ёшлар, ўз муҳитингизга турли кўнгилсиз ва ёмон иллатларнинг киришига йўл қўйманг. Яшаётган маҳалламизды маънавий муҳитни қарор топтириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Ш. Абдусатторов

МЕНИНГ БИРИНЧИ БЕМОРИМ

Менинг тиббиёт соҳасига кизиқишимга ва шу йўналишни танлашимга бир воқеа сабаб бўлган. Бир куни кўшнимиз мушуги бизнинг ўйдаги хўроздага ҳамла қилди. Хўрозимизнинг бўйни жуда қаттиқ яраланди ва тўхтамасдан қон кетарди. Ўйда хеч ким йўқ эди. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, хўрозни даволашга киришдим. Ўйдан игна, ип ва спирт олиб чиқдим ва хўрозни

тутиб унинг ярасини тикиб қўйдим. Хўрор бечора нима килишини билмасди ва бошқа иложи ҳам йўқ эди. Хўрорнинг ярасини тикиб бўлгандан сўнг уни қўйиб юбордим. Орадан 1 ой ўтгач хўрознинг яраси битди. Мен ўз имкониятларимни синовдан ўтказгандай бўлдим.

Равшан Жўраев
1-Педиатрия факультетининг 111-гуруҳ талабаси.

УСТОЗ

Илк бора мактабга қўйганда қадам.
Қўлимидан тутган мўътабар одам,
Ўқиши, ёзиши ўргатган инсон,
Унга хурмат, таъзим, унга эхтиром.
Устоз зоти гўё отадай улуг,
Устоз сўзи эса муқаддас, кутлуг.

Дили ранжиса ҳам билдириласло,
Билдириласло қалбиди дардми, муаммо.
Очиқ чехра билан киради дарсга,
Кўзларида нурлар тушади раксга.
Излари энг тўғри йўлга бошлайди,
Эзгулик, маърифат дея яшайди.

Севара Рўзиева
Тиббий Педагогика
факультетининг 201-гуруҳ талабаси

ҚУТЛУҒ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Меҳнатнинг самараси доимо орттирилган йиллар тажрибаси билан баҳоланади. Ҳар бир шифокорнинг елкасида катта масъулият, яъни инсон саломатлиги учун жавобгарлик хисси туради. Зеро, келажакка ҳам маънан, ҳам жисмонан етук фарзандларни тарбиялаш энг биринчи навбатдаги бурчимиз ҳисобланади.

Устоз Ширин ака Дадаев умрини мана шу эзгу ишга сарфлаб келаётган фидойи шифокорларимиздандир. Уларнинг кечирган умр йўллари ҳар биримизга ибрат мактаби бўла олади. Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг жарроҳлик касалликлари кафедраси мудири лавозимида 1991 йилдан буён фаолият олиб боради.

Уларнинг илк фаолияти 1972–1973 йилларда Тошкент шаҳридаги 14-сонли шаҳар шифохонасида болалар жарроҳи сифатида бошланди. 1973–1975 йилларда эса шифокор Тошкент шаҳридаги 6-шахар касалхонасининг жарроҳлик бўлимида жарроҳлик қиласди. 1984 йилдан Ширин аканинг ҳаётида миллатлараро тажриба алмашинувига бой бўлган катта ўзгариш бўлди. Уларни Москвадаги МОЛГМИ-2 клиникасининг жарроҳлик бўлимида ишлаш учун юборишиди. 1988–1991 йилларда 1-сонли жарроҳлик касалликлари кафедраси доценти сифатида фаолият олиб бордилар.

Ширин аканинг умри инсонларнинг саломатлигини таъминлашдек шарафли касб билан ҳамнафас яшаб келмоқда. Тинимсиз меҳнатнинг самараси бўлган «Корин бўшлиғи органларида ўтказилган операциялардан кейин рефлоксоген зоналарининг очиқ узок муддатли прокайн блокадасининг қиёсий хусусиятлари» мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1979 йилда ёқлаган бўлса, 1991 йилда докторлик диссертациясини – Москвада «Ўн икки бармоқли ичакнинг пептик ярасини жарроҳлик даволашда селектив проксимал ваготомиянинг замонавий жиҳатлари» номли ишини ҳам ҳимоя қилди. Тинимсиз меҳнатларининг самараси бўлган бу фаолиятида шифокор устоз-шогирдлик анъянасини ҳам олиб бормоқда. Бугун ҳар бир талаба устознинг маслаҳатларини олишга интилишади. Чунки тажриба билимнинг асосидир.

Бундан ташқари Ширин ака Дадаев турли мавзулардаги 160 та илмий ишларини чоп эттириди. Устоз тиббиёт соҳасида битта монография, 18 та услубий иш, 5 та ўкув қўлланма, 1 та рационал таклифга муаллифлик ва 3 та номзодлик ишларига раҳбарлик қилган. Шу билан биргаликда устоз ўн икки бармоқли ичак ярасини ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашда 1981–1994 йиллар давомида СКБ етакчи дизайнери билан бир-



галиқда «Каменец-Подольск» янги тиббий асбобускуналарини ишлаб чиқариш заводида ноёб кўп функцияли гастроентерологик пробларни (ПЕГ-9, ПЕГ) ишлаб чиқди ва бу тиббиёт соҳасидаги яна бир янгиликка асос бўлди. Бу асбобнинг қулайлиги бир вактнинг ўзида «пХ» ўлчаш ва пилорик пневмодилация, трансиллуминация учун керакли зонд вазифасини бажаради.

Амалий соғлиқни сақлашда бир қатор янги технологияларни ишлаб чиқиб жорий қилгани учун Ширин ака Дадаев 1994 йилда Москвадаги Халқаро Ахборотлаштириш академиясининг академиги унвонига сазовор бўлди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги университет дипломлари ва илмий даражаларини ностирификациялаш бўйича комиссия ва уларнинг қошидаги МЯЖ Махсус жарроҳлик кенгаши аъзоси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, устоз М.Х. Рузин Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг бош маслаҳатчи жарроҳи, Фан ва технологиялар бўйича давлат кўмитасининг мутахассиси, Халқаро Ахборотлаштириш Академиясининг аъзоси (2007–2012 й.) ҳамда Тошкент вилояти шошилинч тиббий ёрдам маркази директорлиги лавозимларида фаолият юритган.

Шифокор – ҳақиқий маънода фидойи инсон! Демак, бу касб – энг шарафли касбdir. Зеро, соғлиқ – инсоннинг энг олий неъмати.

Хурматли Ширин Аманович! Кутлуг 70 ёшингиз муборак бўлсин! Мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизга зафарлар тилаймиз.

Газиза АШУРОВА

ВАТАН СОГИНЧИ

Бувимнинг кўп ҳикматли сўзлари қаторида: «Орган – дарё», деган нақли ҳам бор. Мен ушбу нақлнинг маъносини ҳали англамаган эдим. Саёҳатнинг гашти бўлакча бўлар экан, Туркиядаги Истанбул шаҳрига оилавий саёҳатга чиқдик. Айниқса, тарихий обидаларга бой бу шаҳарда туризм ривожланган экан. Бой тарихга эга бўлган обидалардаги – саловат, кўркамлик ва жозиба кишини ўзига мафтун этади. Гўё ўзингни ўша тарих саҳнасида кезаётгандек хис қиласан. Бир дам тарих малика-сига айланасан!

Бутун саёҳатимиз давомида Истанбулдаги Хуррам Султоннинг саройи бизга кўпроқ манзур бўлди. Мафтункор «Топ Капи» – ниҳоятда гўзал, хушманзара ва кишига хушкайфият улашувчи бетакрор боғ – Хуррам Султон саройининг диккатга сазовор жойларидан бири

экан. Оилавий саёҳатимиз давомида бизга тарихни яхши биладиган ва ўзбек тилини тушунадиган йўлбошловчи тайнинланди. Албатта, бундай йўлбошловчи билан саёҳатимиз ниҳоятда қизикарли, мазмунли ва унутилмас хотираларга бой бўлди.

Аммо минг гўзал бўлмасин ўзга юртларда бўлсанг, Она юртингнинг тупроғи сени ўзига ўзгача меҳрумхаббат билан тортаверар экан. Саёҳатимиз ҳам ниҳоясига етар чоғида йўлбошловчимизга бизнинг юртимиз Ўзбекистон ҳақида ва айниқса, «Ер юзининг сайқали» – Самарқанд шаҳри тўғрисидаги дадамнинг ҳикояларидан сўнг бутун саёҳатимиз давомида қувноқ қайфиятда юрган йўлбошловчининг кўзларида бехосдан ёш томчилари пайдо бўлди. Мен бундан ниҳоятда таъсиранган эдим, негаки қаршимда ўзининг билими,

топқирилиги, хушчақчақлиги билан менга манзур бўлган инсон кутилмаганда кўзларида мунг пайдо бўлиши қизиқ бир ҳол эли. Кейин ўзининг айтишича, аслида ўзи ўзбек, тугилган тупроғи Самарқанд шаҳри экан. Бизнинг Ўзбекистондан ташриф буюрганимизни эшитиб, ўзида йўқ шод бўлса, Ватан соғинчи кўзларига мунг бериб турарди...

Ушбу саёҳатимиз давомида мен учун энг таассуротга бой ва эсда қоларли бўлган жиҳати бу – ўзбекистонлик йўлбошловчини учратганимиз бўлди. Чунки бувимнинг яна бир ҳикмати мен учун ўз тасдиғини топган эди: «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, Ўз юртингдага гадо бўл!»

Зиёда ХАИТОВА
2-Педиатрия факултетининг
112-гуруҳ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қўйидаги кафедралар лавозимларига
ТАНЛОВ эълон қиласи:**

ДОЦЕНТЛАР: Биофизика, тиббий информатика; Асад касалликлари ва болалар асад касалликлари; Умумий амалиёт шифокорини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси; Офтальмология, болалар офтальмологияси; Ўзбек, рус ва лотин тиллари; Клиник иммунология, микробиология; Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш; Хирургик касалликлари; Болалар юқумли касалликлари; Факультет болалар хирургияси.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: Ўзбек, рус ва лотин тиллари; Анатомия.

АССИСТЕНТЛАР: Физиология; Умумий хирургия; Эпидемиология, юқумли касалликлар; УАШ-терапия; Тери таносил, болалар тери таносил касалликлари, ОИТС; Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш; Болалар касалликлари пропедевтикаси; Асад касалликлари ва болалар асад касалликлари; Неонатология; Тиббий ва биологик кимё; Факультет ички касалликлари, ХДТ, касб касалликлари, госпитал ички касалликлари, ички касалликлари пропедевтикаси; Хирургик касалликлари; Госпитал болалар хирургияси, болалар онкологияси; Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси.

Танлов муддати –эълон чиққан кундан 1-ой

Манзилгоҳ- Боғишамол кўчаси 223, ТошПТИ. Автобуслар: 115,19 ТошПТИ бекати. 2019.15.11.

 <p>САМОДЕЛКИЕ – ТУМАН БОЙДИ ЕВРОПА ВАРДИ – ЙОГАНГИ СТРИМЫ PEDIATR</p> <p>ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ ЖАМОАСИ НАШРИ ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТИУТА</p>	<p>Таҳрир қенгаши: Д.А. Асадов, А.В. Алимов, Х.Ф. Хайдаров, М. Ахмедова, А.И. Искандаров, К. Ҳайтов, Т.С. Аъзамхўжаев, А. Валиев, А.А. Кудайберганов, Б.М. Таджиков, С.С. Гулямов, Г. Усманова</p> <p>Нашр учун масъуъ: Р. Фўччиева</p>	<p>Бош мухаррир: Б.Т. ДАМИНОВ</p> <p>Таҳрир ҳайъати: (ишич гурӯҳ)</p> <p>Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева (Бош мухаррир ўринбосари), А.М. Маннанов, Д.А. Ахмедова, С.А. Бегмонов, А. Носиров, З. Каримова, А. Худайбердиев</p>	<p>Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошкармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатта олинганд.</p> <p>Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223</p> <p>Cho'lpon nomidagi NMU техник ва дастурий воситалари базасидаги этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -буюртма. Адади 100 нусха.</p> <p>Газета институт хисобидан нашр этилади ва белуп таркилади.</p>
---	---	--	--